



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2013 йил 19 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

№ 189 (12.500)

Баҳоси эркин нарҳда



«Ўзэкспомарказ»да бир йўла учта иктисослашган халқаро кўргазма – «UzEnergyExpo – 2013» энергетика, энергия таъминоти, электротехника, «UzChemPlastExpo – 2013» кимё саноати, пластмасса ва каучуклар ишлаб чиқариш, лаборатория ва аналитика ҳамда «UzPromStroyExpo – 2013» саноат қурилиши, иситиш тизими, вентиляция, бассейнлар кўргазмаси очилди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Тадбирлар IEG Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтини, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзмон-тажмаусуқурилиш» уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўндан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этаётган кўргазмаларнинг очилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодиётнинг кўллаб тармоқлари, жумладан, энергетика, қурилиш, кимё саноатини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Саккизинчи маротаба ўтказилаётган «UzEnergyExpo – 2013» кўргазмасида паст ва юқори вольтли ускуналар, кабеллар, симлар, изоляторлар, трансформаторлар, электр-монтаж жиҳозлари, ёриткичлар, ёруғлик ўлчаш асбоблари, замонавий транспорт технологиялари, ҳимоя воситалари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўллаб маҳсулотлар намоиш этилмоқда.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу мақсадда шамол, кўёш, гидроэнергетика каби тикланадиган энергия манбалари ривожини ва кўёш-иссиқлик электростанцияларини жорий қилиш борасида инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган «E-solar», «Elixir gano», «Kuchlanish va Quvvat», «Energy motors», «Promizolit» каби компаниялар томонидан тикланадиган энергия манбалари, кўёш ва шамол тизимларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш турлари, электр двигателлар, изоляция материаллар ва электрзутишнинг ҳаво линиялари учун арматура маҳсулотлари намоиш этилмоқда.

Кўргазмалардан Европанинг энергетика ва электротехника со-

ҳасидаги йирик саноат корхоналари маҳсулотлари ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, Starpower srl компанияси (Италия) электрогенератор қурилмалари, мотонасос, мотоуланниш, карданли узатма ва электронасосларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва техник қўллаш хизматлари, Zez silko s.r.o. корхонаси (Чехия) конденсатор, дроссель ва реактив қувватни компенсациялаш учун таркибий қисмлар, «Электробудова» (Украина) компаниялари комплекс тақсимловчи қурилмалар ва трансформатор подстанцияларини тақдим этмоқда.

Кўргазмада энергетика объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажарадиган инжиниринг компанияларининг иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари ва замонавий биноларда электр-монтаж ишларини олиб боришда корхонамиз фаол иштирок этаётган, – дейди «Нурқурилиштаъмир» масъулияти чекланган жамияти директори Саид Раҳмонов. – Биз тақлиф этаётган кўчани ёритадиган чироқлар амалдагиларидан ўн баробар тежамкор бўлиб, шунча мuddат кўп ишлайди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи Бельгия ва Нидерландиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ҳамда иқтисодий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Европа халқаро муносабатлар институтининг етакчи эксперти, геосиёсат бўйича мутахассис Пьер-Эммануэль Томан давлатимиз раҳбарининг нутқида акс этган Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларидаги муваффақиятларини, шунингдек, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан сиёсий ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади.

«Ўзбекистоннинг мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бораётгани, унинг иқтисодий тараққиётнинг кўпгина жиҳатлари бўйича устуворликларга эга эканлиги бутун минтақа мустақиллигининг қафолати сифатида хизмат қилади», деди у.

Шу билан бирга, эксперт Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятда дўстлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашга нисбатан жиддий ёндашаётгани алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлаб, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, демократик ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлида мамлакатимизга янгидан-янги зафарлар тилади.

Брюссель эркин университети фахрий профессори Жан Бланкофф фикр билдирганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мазкур табрик сўзида юртимиз истиқлол йилларида эришган натижалар билан бирга мамлакатимизнинг келгусидаги тараққиёти ва раванқи қафолати, яъни унинг улкан салоҳияти ҳам акс этган. Ж.Бланкофф чуқур ислохотлар олиб бораётган ҳамда саноатни тобора ривожлантираётган Ўзбекистон, шубҳасиз, минтақанинг етакчи демократик давлатларидан бири саналишини таъкидлар экан, Ватанимиз халқига ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди.

Нидерландия экспорт конфедерацияси президенти Вильям Хагсма давлатимизнинг Марказий Осиёда тутган муҳим ўрнини эътироф этар экан, бу «нафақат Ўзбекистоннинг тараққиёти ва ҳаёт даражаси юксалишига ихобий таъсир кўрсатаётганини, балки бутун минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик муҳитининг мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшаётганини» алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонни Мустақилликнинг 22 йиллиги билан табриқлар экан, В. Хагсма юртимизнинг тўғри танлаб олинган стратегия билан аҳоли манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда янада жадал сурьатларда тараққий топишига қомил ишонч билдирди.

Вильям Хагсманнинг таъкидлашича, «Бугун мамлакатда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз мақсулини беражак. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, иқтисодиёт соҳасидаги муваффақиятлар эса бунинг қалити сифатида хизмат қилади».

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилот худудий бўлими ҳамкорлигида ахборот соҳасини ислох қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги муҳим вазибаларга бағишланган семинар ташкил этилди.

● Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида фаолият юритаётган тадбиркор Охунжон Ҳосилов ўзининг «Мустафо мини маркет» дўкони атрофидаги ташландиқ жойни тартибга келтириб, мўжаз бозорчада ошхонани ишга туширди. Кийим-кечак, мева ва सबзавот, нон ва нон маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилган ушбу савдо нуқталарида 20 нафар тадбиркор фаолият бошлади.

● Андижон вилоти Шахрихон туманидаги «Шахрихонсўт» масъулияти чекланган жамиятида Хитойдан келтирилган янги технология асосида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Корхонанинг айланма маблағи ҳамда «Ҳамкор-банк»дан олинган 100 миллион сўм кредит ҳисобига ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология натижасида 8 янги иш ўрни яратилди. Фақат куруқ сут ишлаб чиқариладиган мазкур корхонада бугунги кунда қадокланган қатик, айрон, қаймоқ каби олти турдаги сифатли маҳсулот тайёрланмоқда.

● Самарқанд тарихи музейида Ўзбекистон ва Франция археологлари ҳамкорлигининг самараларига бағишланган кўргазма очилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари кўмағида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада ҳамкорлик доирасида олиб борилган қазилма ишларида топишган ноёб осори-атикалар намоиш этилмоқда.



● Голландиялик бир гуруҳ олимлар Н7Н9 парранда гриппининг Хитойда ўнлаб кишиларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган янги вируси одамдан одамга ўтиш имкониятига эга эканлиги ва бемалол эпидемияни келтириб чиқариши мумкинлигини қайд этишди.

● Мексика ҳукумати ширин газли ичимликларга солиқ жорий этишни кўзда тутмоқда. Зеро, мамлакатда қандли диабетга чалинганлар, ортиқча вазнлилар кўпайиб кетган. Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача ортиқча вазнга эга бўлганлар сони бўйича АҚШ биринчи ўринда турган бўлса, бу йилги рейтингда Мексика уни ортда қолдирди.

● Венесуэланинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Маракайбо шаҳридаги «Сабанэта» қамокхонасида юз берган муштлашув натижасида 16 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмди.

● Италия пойтахти Рим шаҳридаги «Фьюмичино» аэропортида жуда гаройиб ким ошди савдоси бошланди. Гап шундаки, аукционга самолёт йўловчилари томонидан унутиб қолдирилган ва кейинги икки йил давомида талаб қилиб олинмаган жомадон ва сумкалар қўйилди. Энг муҳими, ушбу ким ошди савдолари қонуларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилмоқда: юкларни сақлаш мuddати тугаганидан сўнг аэропорт маъмурияти қайтариб олинмаган жомадонларни сотиш ёки совға қилиш ҳуқуқиға эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О.Юсупов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуроно, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ғ.Мухаммаджонова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Ғ.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб воғна етказиш, уларнинг онгу шуурини миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли ғоялардан ҳимоялаш, қалби ва онига фидойилик, ватанпарварлик, юрт тақдирини ўқиниш, ҳаёт тарзидан фойдаланишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2006 йил 3 апрелда қабул қилинган «Аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлаётган.

Республика Маънавият тарғибот маркази маънавий-ахлоқий тарбияга оид ишларни тўғри йўналтириш, фуқароларимиз қалбиди миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Марказ томонидан ташкил этилаётган

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фермер ва деҳқон хўжалик-

ларига кўрсатилаётган агрокимёвий хизматларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимиятида «Оммавий маданият ва интернет орқали кириб келаётган ёт ғоялар ва уларнинг иллати» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманида жойлашган Зулфия номидаги маданият уйида «Қувонч» ва «Сабо» гуруҳларининг ҳисобот концерт дастури бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ҲАМ ВАҚТ ТЕЖАЛАДИ,
ҲАМ НАҚД

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилгани изчил ривожланишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастурамал бўлаётди.

Хозир юртимиздаги корхона-ташкилотлардан ташқари хонадонларда компьютер билан бирга бошқа замонавий алоқа воситалари ҳам кўпайганлиги аҳолини нафақат зарур ахборот, балки кўплаб хизматлардан баҳраманд бўлишга хизмат қилмоқда.

Айталик, кўлаб иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда талаб этиладиган солиқ тўловчининг идентификация рақамига (СТИР) оид маълумотнома зарур бўлиб қолди. Бундай ҳолатда www.soliq.uz сайтига кириб, зарур маълумотларни киритсангиз, сизга тегишли СТИР пайдо бўлади.

Солиқ тўловчи ва бу мақомга эга бўлмаган шахслар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти — www.soliq.uz орқали 26 интерфол хизматдан фойдаланиб, ўзи учун зарур маълумотларни олиши мумкин.

Солиқ тизимининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланаётгани замонавий ва илғор компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш имконини бермоқда, — дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи вазифининг бажарувчи Музаффар Назаров. — Корпоратив тармоқнинг модернизация қилинган, сунъий йўлдош орқали ишлайдиган алоқа тизими ўрнига оптик-толали алоқа канали жорий этилгани маълумотлар узатиш тезлигини 600 баробар ошириш имконини берди. Айни пайтда давлат солиқ хизмати тизимига республика ва вилоятларда маълумотлар деярли юз фоиз электрон шаклда узатишмоқда.

Бундай имкониятлар давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро алоқалари самардорлигини сезиларли даражада ошириш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини бермоқда. Энг муҳими, бу вақт ва моддий ресурсларни тежас билан бирга, солиқ соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ижроси самардорлигини ошириш, солиқ сиёсатини янада либераллаштириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Чунки бугунги тадбиркор интернет орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвалини кузатиб бориб, ўз фаолиятида қачон ва қим томонидан текшириш ўтказишнинг аниқ билади.

Айниқса, солиққа оид ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш ва қайта ишлаш интерфол хизмати вақт ҳамда ортиқча харажати тежас, шунингдек, барча ҳисоботларнинг тўғри топширилишини изчил назорат қилиш имконини бермоқда.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш учун «Солиқ ҳисоботларини электрон қўришида юбориш» интерфол хизма-

тидан фойдаланилади. Мазкур дастурий маҳсулот алоқа тармоқлари орқали солиқ тўловчилар томонидан молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон қўришида тақдим этиш, уларни солиқ тўловчиларнинг ҳисоб варақаларига ўтказиш имконини беради. Ҳисоботларнинг электрон алоқа тармоқлари орқали топширилишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун электрон рақамли имзонинг мавжудлиги талаб этилади.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат расмий имзоланган ҳужжат мақомига тенглаштирилган. 2012 йил 1 августдан бошлаб электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш бўйича хизматлар ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг 20 фоизидан 10 фоизга пасайтирилгани тадбиркорлар учун яратилган яна бир қулайлик бўлди.

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши режалаштирилган. 2012-2016 йилларда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали ариза беришнинг электрон шакллари жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Бунда мурожаат этувчи ўз аризасининг қўриб чиқилишини интерфол тарзда кузатиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерфол хизматлар янги ишга туширилган маълумотлар ягона ахборот базасига мазмунлаштирилди. Натижада интерфол хизматлардан фойдаланиш тезлиги ва сифати янада ошди. Шу боис мамлакатимизда ўтган «Best soft Uzbekistan - 2013» миллий дастурий таъминот маҳсулотлари кўргазмаси даврида Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базаси «2012 йилда жорий қилинган энг яхши лойиҳа» йўналишида голиб бўлди.

Жорий йил соҳада «Якка тартибдаги тадбиркорлардан ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш», «Солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон ариза орқали маълумот бериш», «Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ имтиёзлари тўғрисида ахборот тақдим этиш» ва «Жисмоний шахслар томонидан солиқлар тўлинишида банк маюссаларига солиқ тўловчиларнинг рекузитларини тақдим этиш» янги интерфол хизматлари жорий этилди.

Яратилаётган бундай кенг имкониятлар тўғрисида солиққа оид сайтдан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 26 миллиондан ортиқ мурожаат қайд этилган, бу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар ошгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Қадим-қадим замонлардан кишилар эрққа, мустақилликка интилиб яшаб келишади. Мустақилликнинг қадрини, унинг нақадар улугъ неъмат эканлигини мустақил бўлган мамлакатнинг фуқароларига ҳис этишади. Биз, Ўзбекистон аҳолиси ҳам бу туйғуни 22 йилдан буён қалбдан туюб яшамоқдамиз. Эркин, ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланиб бораётганимиз ҳар бир соҳада намоён бўлмоқда. Таълим, тиббиёт, қурилиш, суд-ҳуқуқ ва шу каби кўплаб соҳаларга назар солсангиз бугунги кунда жиддий ўзгаришларни, ўсиш, ривожланишни кўрасиз.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг ўтган қисқа муддатда эришган ютуқларимиз қатор хорих давлатларнинг чин эътирофи сазовор бўлмоқда. Айримлари иттифоқий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда давлатимизга тўтаётган йўлдан андоза олишга очик-ойдин интилишмоқда. Бу эса, Президентимиз таъкидлаганларидек, бизнинг ўз йўлимиз борлиги ва унинг тўғри йўл эканлигининг яққол исботидир.

Авалло, мустақил давлатда инсон ҳуқуқлари ҳимояси қонун билан қамолатланган бўлади. Унинг яшаш, ўқиш, ишлаш ва бошқа ҳуқуқларига ҳеч қим раҳна сололмайдиган. Ўзбекистонда ўтган йилларда турли соҳалар каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам чўқур ислохотлар ўтказилди. Тегишли қонунлар қабул қилинди. Президентимизнинг фармон ва қарорлари эълон қилинди. Натижада суд-ҳуқуқ соҳаси либераллаштирилди, адлия, прокуратура ва судларнинг ваколатлари қайта қўриб чиқилди. Айниқса, адвокатура институти бутунлай янгиланди. Дарҳақиқат, адвокатура институтининг тақомиллашуви суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим қисмидир. Ўзбекистонда адвокатура тизимини шакллантириш, унинг обрўсини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини янада ривожлантиришдаги ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1996 йилда адвокатлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган «Адвокатура тўғрисида»ги ҳақда 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг қамолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мустақил адвокатура тизимининг янгидан яратилиши ва фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо қилиш, жамиятни демократлаштиришга йўналтирилган ишлар, ўз навбатида, адвокатура

институтини мукамаллаштиришни талаб қилади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов «Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз», деб бежизга таъкидламаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура инсти-

Ислохотлар оқимида

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ
МУКАММЛАШМОҚДА

тутини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида 2008 йил 31 декабрда амалга киритилган «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши адвокатлик фаолиятини ислох қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Унинг таъкидлий-ҳуқуқий мақоми буткул қайтадан қўриб чиқилди. Адвокатуранинг фуқаролик жамияти институтидан бири эканлиги эътироф этилди.

Бу жараёндаги муҳим янгилик адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг жорий қилиниши бўлди. Яъни, бу билан адвокат мақомини фақат қонунда белгиланган талабларга жавоб берган шахсларга олиши бел-

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учинчи маротаба ўтказилаётган «UzChemPlastExpo - 2013» кўргазмасида кимёвий ишлаб чиқариш бирламчи полиамид-6 ва полимер композицион материаллар «Гродно азот», «Химволокно» (Беларусь), сув юқирмайдиган бўр «Global Trade», пластмасс маиший ва саноат маҳсулоти «Middle asia potolast», кимёвий маҳсулотларнинг кенг ассортименти — техник ва озиқ-овқат хом ашёси, кимёвий реактивлар, лаборатория жиҳозлари ва ускуналари «Kinyofarminvest» (Ўзбекистон) корхоналари томонидан тақлиф этилмоқда.

«UzPromStroyExpo - 2013» кўргазмасининг асосий мақсади биноларни қуриш ва улардан фойдаланишда ҳавони совутиш, иситиш ҳамда сув таъминоти учун тизимли ечимлар соҳасидаги эҳтиёжни таъминлашга қаратилган.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, — дейди «Амқадор» машинасозлик холдинг компанияси (Беларусь) вакили Анатолий Левицкий. — Буни мазкур кўргазмаларда намоёйиш қилинаётган маҳсулотлар, тақлиф этилаётган хизматлар сифатининг юқорилиги ва турининг кўпчилигидан ҳам билса бўлади. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий

сиёсат самарасидир. Шу боис мамлакатимиздаги кўплаб компаниялар Ўзбекистон ишбилармонлари билан изчил ҳамкорлик ўрнатмоқда. Ушбу кўргазма Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, янги шартномалар тузиш имконини бераётганидан мамнунмиз.

«UzPromStroyExpo - 2013» кўргазмаси доирасида хорижий компаниялар мутахассислари томонидан қурилиш соҳасидаги янгиликлар, айланма сув таъминот тизими учун автоматик жиҳозлар, сув таъминоти ва ёнғин ўчириш, канализация тизимларида муҳандислик ускуналарида самарали фойдаланишга доир мавзуларда семинарлар ўтказилади.

Мазкур кўргазмалар иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, энергетика, кимё саноати, қурилиш ва иситиш тизимларида фойдаланишга мўлжалланган илмий янгиликлар ва саноат ускуналари, янги технология ишланмаларни намоёйиш этиш, тажриба алмашиш, корхона, ташкилот, фирма ва компаниялар ўртасида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиёти-ни тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири



Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

гиланди. Шунингдек, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунда уларнинг фаолият турлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлди. Адвокатларнинг ҳеч қандай тўсиқлар-сиз вазифаларини амалга оширишлари имконияти яратилди. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокатнинг ҳимоячи ва вакил сифатида судда иштирок қилиши, ҳуқуқий масалалар борасида маслаҳатлар, тушунтиришлар бериши ва бошқа ҳуқуқлари таъкидланди. Адвокатуранинг асосий вазифаси Конституцияга биноан фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва маюссаларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Амалдаги қонунчиликка биноан адвокатлик фаолиятининг таъкидлий шакллари фақатгина юридик шахс сифатида амалга оширилади. Бу бевосита жаҳон таърибига ҳам мос келади.

Собиқ шўролар тузуми даврида адвокатлар ишга номингагина қатнашар эди. Ҳатто айбланувчи билан учра-шишга, уни вақтинчалик сақлаш жойига киришга рухсат ололмади рота овера бўларди. Қўрилаётган ушбу жиноят ишда у ҳимояга олган шахснинг қайси даражада ишти-роки борлигини, қандай руҳий ҳолатда эканлигини аниқ-лай олмади, оқибатда етарли ҳуқуқий ёрдам кўрсатолмас эди. Айниқса, тер-гов ёки суд жараёнида улар томонидан тасвир этиладиган адвокатларга кўпчилик ишонсиз қарарди. Чунки, бундай ҳолларда ишнинг натижаси деярли оддиндан аниқ бўларди.

Бугунги кунда, бундай ҳолатларга буткул барҳам берилди. Мустақиллик-дан сўнг қабул қилинган қонун ҳуж-жатлари орқали адвокатларнинг мақо-ми кўтарилди, ҳимояси кучайтирилди. Адвокат қонунда белгиланган вакола-тига қўра ҳеч бир тўсиқсиз айбланувчи шахс билан учра-шапти. Суриштирув ва суд жараёнида эркин қатнашиб, ҳимоясидаги шахсни тўлақонли ҳимоя қилапти. Натижада фуқароларнинг адвокат ишончи ортиб, уларга мурожаат қилиш кўпаймоқда.

Ўз навбатида, бу жараёнлар адвокатдан ҳам етук би-лим эгаси бўлишни, доимо ўқиб-йиланишни, бугунги тез-кор ривожланаётган замондан ортда қолмаслигини талаб этади. Чунки, етук билимли адвокатга ўз ҳимоясидаги шахснинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилади. Айниқса, ўз касбияда садоқат унинг муҳим жиҳати бўлиши шарт.

Равшан ФОЗИЛОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА МУҲИМ ЎРИН
ЭГАЛЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Way Press» агентлигининг халқаро муносабатлар хизмати бошлиғи Ксавьер Фрин фикр билдирганидек, аниқ-равшан воқеликлар Ўзбекистон раҳбарияти томонидан танлаб олинган иқтисодий ривожланиш ва демократ-лаштириш йўли тўғри эканлигини намоён этмоқда.

«Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик тараққиёт йўлида олға қатта қадам ташлаш учун улкан имконият-ларни яратди. Кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ис-лохотлар амалга оширилди, белгилаб олинган туб де-мократик ўзгаришлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётди, жамият барча соҳаларининг либераллашу-ви ҳамда модернизацияси жараёнлари давом этмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг нутқида ўз аксини топан тараққиёт кўрсаткичлари мамлакат-нинг истиқлол йилларидаги муваффақиятли ривожла-нишидан далолат беради», деди К. Фрин.

Давлатимиз раҳбарининг таъриқ сўзи ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, «Unicap-TV» ком-панияси вице-президенти Жан Франсуа Ривалейн иқтисодиётни самарали бошқариш, мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар, мустақкам иқтисодий тизимнинг яратилгани, аҳолининг ҳам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш сингари йўналишлар Ўзбекистоннинг муваффақиятли тараққиётида муҳим ўрин тутишини эътироф этди.

Ф.Ривалейннинг айтишича, «табiiий ресурсларнинг бой захиралари, тараққий топан технологиявий ва тех-никавий инфратузилма ҳамда самарали давлат сиёсати келгусида ҳам миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилади».

«Жаҳон» АА

СУДЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК
ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО
ҲАМКОРЛИГИ

Тошкентда «Жамоатчилик ишончини қозониш: судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги олий ўқув курслари мар-кази, «Минтакавий мулоқот» халқаро нодавлат ташки-лоти (Словения) ва Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, жиноят ишлари бўйича судлар судьялари ва прокурорлар, те-гишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда америкалик экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузу-ридаги олий ўқув курслари маркази директори Толиб-жон Умаров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-ридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси котибияти раҳбари То-либжон Обидов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия уни-верситети профессори Алишер Файзуллаев ва бошқа-лар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мам-лакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар соҳанинг халқаро андозалар дара-жасида фаолият кўрсатиши, жамиятни янгиллаш ва ҳаёт-нинг барча соҳаларини эркинлаштиришда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунчиликнинг инсонпарварлик ва демократия тамойиллари асосида мунтазам тақомиллаштирилмоқда.

Қонунчиликни таъминлашда ҳуқуқий тарғибот, ҳу-сусан, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаси муҳим ўрин тутди. Пой-тахтимида ўтган халқаро форумда ана шу масала — суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлардан аҳолининг хабардорлигини ошириш, судлар ва омма-вий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мус-таҳкамлаш ҳақида сўз юритилди. Бу борада Ўзбеки-стон ва АҚШ таърибаси юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон — очик, ошкора ва адолатли суд тиз-имини жорий этиш бўйича минтақадаги етакчи мамла-катдир, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултетада ва муктор элчиси Жорж Крол. — Ўзбекистон билан АҚШнинг суд-ҳуқуқ тизими мутахассислари ўртасида-ги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Мазкур тадбир суд ҳокимияти органлари билан ОАВ ўртасидаги ало-қаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-да қучуқлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси суд-ҳуқуқ ва ахборот соҳа-ларини либераллаштиришда янги босқични бошлаб бер-ди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фа-лолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилгани ва ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаёт-гани, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллаёт-гани таъминланаётгани бунинг яққол далилидир.

Тадбир иштирокчилари Концепцияда илгари сурил-ган қонунчилик ташаббусларининг пухта йўлангани, улар мамлакатимизни янада демократлаштириш ва ри-вожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг суд жараёнларини ёритишдаги масъулияти ҳақида ҳам сўз борди. — Суд ҳокимияти органлари билан ОАВ ўртасидаги алоқаларнинг фаол ривожланишида ўзаро ишонч му-ҳим аҳамият касб этади, — деди «Boston Herald» газе-таси бош муҳаррири, Массачусетс штати Олий судининг суд тизими ва ОАВ ҳамкорлиги бўйича комиссияси хам-ранси Рашель Козн хоним (АҚШ). — Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот-лар юксак самаралар бераётди. Форумда ўзим учун кўплаб фойдали маълумотларга эга бўлдим, ўзбеки-стонлик мутахассислардан кўплаб жиҳатларни ўргандим. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон ва АҚШ суд-ҳуқуқ органларининг фуқаролик жамияти институтилари ва ом-мавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасида тажриба алмашиб, бу борадаги алоқаларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касал-
ла уюшмаси кўз касалликлари кафедраси профес-
сори Э.Н.Билоловнинг волидаи мухтарамаси

КУМРИ аянинг

афот этганлиги муносабати билан мархуманинг
ила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор
тади.

Истиқлол фарзандлари

НАФИСА МЎМИНОВА:

МАҚСАДИМ — ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида хотин-қизлар ўртасида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-приси учинчи босқич баҳслари бошланди. Жаҳон чемпионлиги учун курашадиган ягона шахматчи аниқланадиган ФИДЕ Гран-присининг мазкур босқичида ўн икки нафар шахмат устаси дона сураётир.

Шахмат оламининг ушбу нуфузли мусобақасида ҳамюртимиз Нафиса Мўминова илк бор иштирок этаётир. Ўзининг иқтидор ва маҳорати билан дунёнинг энг кучли шахматчилари даврасига шиддат билан кириб келган ўзбек қизи бугунгача кўп мусобақаларда қатнашиб, улкан ютуқларга эришган — 18 ёшгача қизлар ўртасида Осиё чемпионати ва термина жамоамиз таркибиде Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, қатор халқаро турнирлар ғолиби.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири халқаро гроссмейстер Нафиса МЎМИНОВА билан суҳбатлашди.

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилаётган доимий эътибор самарасида Ўзбекистон дунёнинг спорт марказларидан бирига айланган, — дейди Н.Мўминова. — Юртимизнинг юқори нуфузли спорт анжуманларини юксак савияда ўтказишдаги имкониятларини яхши билган халқаро спорт ташкилотлари кўплаб мусобақалар мезбонлигини Ўзбекистонга топширмакда. Жумладан, мамлакатимизда уч йилдан буён ФИДЕнинг йирик тадбирлари ўтказилмоқда. 2011 йили икки жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви, ўтган йили 21 ноябрь — 5 декабрь кунлари эркаклар ўртасида ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичи ўтказилди. Энди пойтахтимизда хотин-қизлар ўртасидаги энг йирик мусобақалардан бири бошланди.

— Жорий мавсум сиз учун омадли келди: йил бошида ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритдингиз ва энди ФИДЕнинг энг нуфузли турнирида қатнашасиз...

— Январь ойда ФИДЕ раҳбарияти менга халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди. Ушбу юксак унвон биз, ёшларнинг камолоти йўлида Президентимиз Ислам Каримов кўрсатаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги самараси, деб биламан. Давлатимиз раҳбари камтарона меҳнатим ва ютуқларимни юксак қадрлаб, замонавий компьютер совға қилди. Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман.

Дунёда профессионал шахматчи кўп. Уларнинг ҳар бири жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади. Лекин жаҳон шахмат тожи ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Гран-при амалдаги жаҳон чемпиони билан ана шу тож учун курашиш имконини берадиган ягона мусобақа. 2013-2014 йилларга мўлжал-

ланган бу галги мусобақа ҳам олти босқичдан иборат бўлади. Ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар энг кучли шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа 18 нафар шахматчининг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган шахматчи жаҳон шахмат тожи учун дона суриш ҳуқуқига эга бўлади.

— Мусобақага қандай тайёргарлик кўрдингиз?

— Аввало, ушбу турнир ўта кучли таркибга эга эканини айтмоқчиман. Рақибларимнинг барчаси тажрибали ва маҳоратли спортчилар. Мана шундай юқори нуфузга эга мусобақада қатнашиш мен учун катта синов. Шуларни чуқур англаган ҳолда беллашуларга режа асосида пухта тайёргарлик кўрдим. Назарий машғулотлардан ташқари Тошкент ва Малайзиядаги турнирларда иштирок этдим.

30 сентябрга қадар давом этадиган Гран-прининг учинчи босқичида иштирок этиш учун пойтахтимизга гузриялик Бела Хотенашвили, ҳиндистонлик Хампи Конеру, Харика Дроновалли, хитойлик Цзю Веньцзюнь, Чжао Сюэ, украинка Екатерина Лагно, болгариялик Антоанета Стефанова, литвалик Виктория Чмилите, қозғистонлик Гулисхон Накбоева, россиялик Александра Костенюк, Ольга Гирья ҳамда арманистонлик Элина Даниэлян келди.

Рақибларимнинг тўрт нафари билан илгари ўйнаганман. Жаҳон ва Европа чемпиони А.Стефановага қарши ўтказилган уч партия ўйинида уч хил натижа — галаба, дуранг ва мағлубият қайд этилган, 20 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон чемпиони Х.Дроновалли ва 18 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони О.Гирьяга қарши партияларда кучлар тенг келган. Хитой терма жамоаси азоси Чжао Сюэга бир марта ўтказганман.

Энг муҳими, шахмат олами эътиборида турган мана шу шахмат мусобақаси Ватанимизда ўтказилаётгани ва унда қатнашаётганидан фахрланаман.

Президентимиз Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида биз, ёшларга қарата жуда самимий сўзларни айтди: «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!». Оталарча айтилган бу дил сўзларида катта ишонч, юксак эҳтиром мўжассам!

Мен ҳам овоз ва обод юртининг фарзанди сифатида Ватанимиз шарафини улуғлашни, шуҳратига шуҳрат қўишни ният қилганман. Жаҳон чемпиони бўлиш — олӣ мақсадим. Вақти келиб, ниятимга етишимга ишонаман. Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодиримиз. Бунинг учун юртимизда барча имконият, шароит бор.

Ўзбекистон
Тасвирий
санъат
галереясида
шахмат
бўйича
хотин-қизлар
ўртасида
Халқаро
шахмат
федерацияси
— ФИДЕ Гран-
присининг
учинчи
босқич
баҳслари
бошланди.

Шахмат

ЖАҲОН ШАХМАТ
УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА
БАҲСЛАШМОҚДА

Халқаро шахмат федерацияси шафелигида ўтказилаётган ушбу нуфузли спорт анжумани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънавий етуқ, юксак интеллектуал салоҳият эгалари этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистонда шахмат бўйича йирик спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш яхши анъанага айланган, — деди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов. — Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдонлардаги галабалари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистонда болалар спорт таълими-тарбия жараёнининг узвий қисмига айлангани таъсирчан лойиқ.

Олти халқаро турнирдан иборат хотин-қизлар ўртасидаги ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини берадиган мусобақадир. 2013-2014 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа уларнинг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган шахмат устаси 2015 йилда амалдаги жаҳон чемпиони билан шахмат тожи учун ўн партиядан иборат учрашув ўтказиш имконига эга бўлади.



Тадбирлар

ВАТАНГА
МУҲАББАТ —
ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида шоир Усмон Носир таваллудининг юз йиллигига бағишлаб «Мустақиллик куйчиси» деб номланган адабий-музикалий хотира кечаси уюштирилди.

Тадбирда туман хотин-қизлар кўмиталари, Маънавият тарғибот марказлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман кенгашлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Кечада санъатшунос олим Баҳриддин Насриддинов, шоира Нодира Рашидова, таниқли актёр Фатхулло Маъсудов, рассом Азиза Маматова ва бошқалар сўзга чиқиб шоир ижоди, ҳаёти ҳақидаги фикрларини билдириб, шеър ва сахна асарлари хусусида тўхталиб ўтдилар.

— Ушбу тадбир нафақат Усмон Носир ҳаёти ва ижодида бағишланди, балки Ватанга бўлган муҳаббат, мустақиллигимизга нисбатан эҳтиром туйғулларининг нечоғли муқаддас ва муқаррам эканлигини яна бир бор тасдиқлади, — дейди Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи Маънавият тарғибот бўлими муdiri Музаффар Жаъфаров. — Зеро, Мустақиллик туйғули эркин ва ҳур ҳаётга эга бўлди. Қадриятларимиз қадрланиб, урф-одатларимиз янада улуғланди, ёшларимизга ҳар бир соҳада имкониятлар эшиги очилди. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин, тинчлигимиз абадий бўлсин.

Тадбир доирасида янграган таниқли санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Гулчеҳра САТТОРОВА

СПОРТ ФИЛЬМЛАРИ
НАМОЙИШИ БОШЛАНДИ

Тошкентда «Спорт кино ва телевидениеда» VIII халқаро саралаш фестивали бошланди.

Мазкур фестиваль Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самараларини санъат воситасида ёритишда мазкур халқаро фестиваль ҳам муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Юртимизда маданият, санъат ва спорт соҳаларида халқаро фестиваллар, кўргазмалар ва нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилаётир. 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестивали мамлакатимиз спорт салоҳиятини, соҳа ривожини йўлида яратилаётган кенг имкониятлар, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқларини дунёга намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Халқаро спорт киноси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд давлати аъзо. «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестиваллари дунёнинг 14 шаҳрида ўтказилади. Мазкур саралаш фестивалларида юқори ўринларни эгаллаб, ғолиб чиққан кино ва телевидение махсулотлари жорий йилнинг декабрь ойида Миланда ўтадиган Бутунжаҳон «Sport movies & TV» фестивалига тақдим этилади.

«Олимпия шон-шуҳрати» музейида ўтказилаётган фестивалда Германия, Франция, Португалия, Беларусь, Латвия, Грузия, Эрон каби ўнга яқин давлат ижодкорлари томонидан суратга олинган ўттизга яқин фильм тақдим этилган. Фестивалда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали, «Ўзбектеlevision» давлат унитар корхонаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, нодавлат телеканал ва киностудияларнинг юртимиз спорт ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлари, телевизион очерк, ижтимоий ролик ва репортажлари намойиш этилмоқда.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АК «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» «ТШТ» ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
2013 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН

Баъзи телекоммуникация хизматлари учун янги тарифлар ўрнатилмоқда
Умумойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов миқдори, сўмда					
	Бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар	
	абонент тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича
Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратида фойдаланганлиги учун абонент тўлови						
шаҳар телефон тармоғида	2255	2200	4290	3035	2239	1700
Қишлоқ телефон тармоғида	1067	737	2640	1870	1060	715

Якка тартибда фойдаланиладиган телефон учун (симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган) бир ойда белгиланган 180 минут лимитдан ортиқча амалга оширилган сўзлашув учун, абонент тўловидан ташқари, ҳар бир тўлиқ ёки нотўлиқ минут учун тўланадиган вақтбай тўлов миқдори 7,0 сўм.

Эслатма!

Телефон тармоқларига улашиш ва телефондан фойдаланганлик учун аввал берилган тўлов имтиёзлари сақланади.

Кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширинг!

Хизматлар лицензияланган

Тошкент ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8841 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.30